# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

*Вилоят илмий-амалий анжумани*



## МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**НЕЪМАТ АМИНОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



ГОҲИДА айрим кишилар, ҳатто, раҳбар ходимларни «Маънавият» сўзини тўла тушунмасликда айблаймиз. Унинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Маънавият сўзи кўп жиҳатдан руҳ билан, илоҳиёт билан боғлиқ. Айрим қардош туркий халқлар «маънавиятни» руҳоният деб юритадилар. 70 йил ҳукм сурган коммунистик мафкуранинг асосини худосизлик ташкил этди. Шунинг учун ҳам бу сўз узоқ йиллар халқимиз онгидан, шууридан бадарға қилинган эди. Ҳатто, маънавият сўзи луғатларимизга кирмаган. Бу сўзни ишлатиш эса, гўё коммунистик мафкурага тўғри келмас эди. Зотан, коммунистик мафкуранинг серсоқол, тепакал, бароққош доҳийлари коммунистик мафкурани қуйидаги тўртта чириган устун устига тиклаган эдилар.

Уларнинг биринчи сафсатаси шундан иборат эдики, гўё одам маймундан пайдо бўлган. Бизнинг отамиз ҳам, онамиз ҳам маймун бўлган ақидани илгари сурган эдилар. Холбуки етмиш йил давомида биронта маймуннинг одамга айланганини кўрмадик. Аксинча, ичкиликбозлик, ахлоқсизлик туфайли рисоладаги одамларнинг маймунга айланганини кўп кўрдик.

Иккинчидан, коммунистик мафкура доҳийлари «Материя бирламчи, онг иккиламчи» деган назарияни илгари суриб, худони инкор этардилар. Халқимизда «Худодан қўрқмагандан қўрқ», деган мақол бор. Демак, худодан қўрқмаган — бандасидан уялмайди. Ҳамма шармандалик, уятсизлик, ахлоқий бузилишлар, ёлғон сафсаталар худосизлардан келиб чиқади.

Учинчидан — коммунистик мафкура назариётчилари «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — деган даъво билан чиқиб, Оллоҳнинг «Беш қўл баробар эмас», — деган хақ сўзларига қарши бордилар. Натижада, жамиятда бойлар ўрнига, йўқсиллар кўпайиб аввалгидан баттар бўлди.

Тўртинчидан, — «Улуғ оғачилик» шиори бўлиб, халқларни улуғ ва майда — кичик миллатларга бўлиб, шовинизмнинг авж олганлигидир. Натижада, халқлар орасида дўстлик ўрнига зиддиятлар пайдо бўлди. Ана шу ёлғон назария туфайли миллатлар ўртасида турли хил келишмовчиликлар, қон тўкишлар, босқинчиликлар рўй берди. Қизил империянинг бутун сиёсати ана шулардан иборат эди.

Оллоҳга минг қатла шукурки, истиқлол туфайли бу таълимотлардан бутунлай воз кечилди. Президентимиз И. А. Каримов истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, маънавиятга, миллий мафкурага катта эътибор билан қаради. Маънавиятнинг нима эканлигини ҳар йиғинда изчил тушунтириб берди.

Маънавият — комил инсонлар кўзгуси, маънавият — камолат мезони, маънавият — бу эзгулик, савоб ишлар, иймон-этиқоддир. У бамисоли океанлардек теран бир тушунча. Маънавият бу ўтмиш авлодларни эсга олиш, уларнинг руҳларини шод қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам халқимизда «Арвоҳ рози — худо рози», «Ота-онанг руҳини чирқиратма» деган асрий мақоллар бор. Мана шу мақолларнинг ўзи бир қадрият, ўзи бир маънавият.

Кўҳна тарихдан шу нарса маълумки, руҳлар норози бўлган минтақада руҳлар исён кўтаради. Шу руҳлар ўз навбатида тирикларга юқади, охир оқибат ер юзининг ўша минтақасида норозилик пайдо бўлиб, ўша ерда қон тўкилади, ўша ер харобазорга айланади. Арвоҳлар рози бўлган мамлакатда барака бўлади, барқарорлик бўлади. Тинчлик ва фаровонлик бўлади.

Президентимиз И. А. Каримов дастлабки кунларданоқ, ишни улуғ бобокалонларимиз руҳларини шод этишдан, савоб ва эзгу ишларини амалга оширишдан бошлади. Улуғ бобокалонларимиз Имом Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Абулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилиб, уларнинг олтин меросларини халқимизга етказиб берди.

Ниҳоят, ўзбек давлатчилигига асос солган буюк Амир Темурнинг пок номини етти иқлимга қайта қаратди. Амир Темур юбилейи бутун жаҳон бўйлаб кенг тантана қилинмоқда. Парижда «Темурийлар маънавияти» кўргазмасининг очилиши, у маънавиятнинг буюк жаҳоншумул аҳамияти кенг тарғиб қилиниши — миллий маънавиятимиз байрамига айланиб кетди. Худди ана шундай пайтда, Президентимизнинг Республикамиз «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарлари ва бошқаруви аъзоларидан бир гуруҳи билан қилган суҳбати ҳамда орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас «Маънавият ва маърифат» маркази ишини янада такомиллаштириш бўйича чиқарган фармони маънавият ва миллий мафкурамиз байрамига айланиб кетди, десак хато қилмаган бўламиз. Бу фармон Темурийлар давридан кейин маънавият соҳасида қабул қилинган энг керакли ҳужжат сифатида тарихда қайд қилинажак. Шу кунларда эса маънавият маркази ўз ишини қуйидаги йўналишлар бўйича давом эттирмоқда.

Аҳолининг турли қатламлари орасида сўровлар уюштириб, шулар асосида ижтимоий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёш авлодни миллий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш, ўз ўзини англаш бўйича аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

Халқ таълими соҳасида ёш авлодга миллий ва умумбашарий қадриятларни тушунтириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мактабларда «Одобнома» дарслари, Олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» ўтилмоқда. Бу соҳалар бўйича махсус дарсликлар яратишга киришилди. Миллий қадриятни улуғлаш, ўтмиш меросимизни ёшлар онгига сингдириш учун махсус маънавий тарғибот гуруҳлари тузилди.

Жойларда, йирик корхона ва жамоа, ташкилотларда маънавият музейлари, мактабларда маънавият бурчаклари, харбий қисмларда маънавият хоналари ташкил этилиб, ёшларнинг миллий мафкураси тарғиботнинг турли шакллари асосида бойитилмоқда.

Бир неча муаллифлар гуруҳи миллий мафкура асосларини яратиш устида ишламоқдалар. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази,«Маҳалла», «Камолот», «Экосан», «Наврўз», Ҳотин-қизлар қўмитаси ҳамда вазирликлар билан ҳамкорликда турли хил хайрли ишларни амалга ошириш режаларини тузиб чиқди. Вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда махсус маънавият гуруҳлари тузиш ниятимиз бор.

Маънавият бир кишининг ва айрим гуруҳларнинг иши эмас. Бу бутун халқнинг, кенг жамоатчиликнинг ишидир. Президентимиз Фармонидан кейин, гўё халқимиз мудроқ холатдан уйғониб, жамиятнинг тараққиёт омили бўлган асосий соҳа — маънавиятнинг ойдин йўлига чиқиб олгандек бўлди. Шубҳа йўқки, бу йўл она-Ватанимизнинг буюк келажагини таъминлашнинг энг адолатли, порлоқ йўли бўлади.

## ИСТИҚЛОЛ ВА РУҲИЯТ

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

Ўзбекистон республикаси истиқлоли эндигина беш йиллик йўлни босиб ўтди. Бу йўл ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан бениҳоя бой ва ранг барангдир. Республика Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида, ана шу беш йиллик қурилиш ва яратиш жараёни чуқур таҳлил этилган. Бу нутқ давримизнинг энг долзарб масалаларига жавоб беради, янги тараққиёт уфқларини очади.



Президент И. А. Каримовнинг маънавият ва маърифат ижтимоий маркази фаоллари билан ўтказган суҳбати, маънавият ва маърифат ишларини ривожлантиришга қаратилган фармони бу маънавий ҳаётга оид масалаларнинг ҳозирги тараққиётда қанчалик муҳим ўрин тутганлигини намойиш этиб туради.

Ҳозирги бош вазифа Ўзбекистон истиқлолини, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий замирини мустаҳкамлашдан иборат. Бу вазифани маънавий дунёси бой, буюк мақсад ва маслакларга содиқ, Ватан, эл-юрт манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган, ғайрат, шуур ва илҳом тўла фидокор инсонлар амалга оширади.

Маънавиятда бош ўрин тутган омиллар комил инсонга хос фазилатлардан иборат. Улар орасида марказий ўринда ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик туради.

Инсон учун энг азиз мўътабар нарса Ватандир. Ўз ватанини севган, унинг гуллаб яшнаши учун бутун куч-қуввати, билим, истеъдодини бағишлаган инсон комил инсонликка муносиб зот бўлади.

Улуғ тафаккур эгалари Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини бош ўринга қўйганлар. Ватанпарварлик туйғулари қуйидаги мисраларда зўр илҳом билан тасвирини топган.

**Кўзимга ҳур Ватаним гарди тўтиё кўринур**
**Анинг муҳаббати ҳар бир кўнгилга жо кўринур.**

**(Чархий)**

Бутун мавжудот орасида энг комил, энг улуғ ва шарафли вужуд инсондир. Алишер Навоий инсоннинг мукаммаллиги тўғрисида ёзар экан, бу камолот бутун борлиқ, табиат ва коинот камолоти даражасида эканини, балки ундан ҳам устун эканини ёзади. Бу камолот қаршисида ақл ҳайратда қолади, деб уқтиради шоир:

**Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот**
**Нодиру олий асоси коинот**

**Барчадин ашрафки ул инсон эрур**
**Чун камолидин ҳирад ҳайрон эрур.**

Инсон ана шундай олий мақомга муносиб бўлмоғи учун ўзида қатор олижаноб туйғуларни тарбияламоғи керак. Бу фазилатлар орасида айтилганидек, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик асосий ўринни эгаллайди.

Киши ўз халқи, унинг бахти-саодати учун ўзини бағишласа, элу-юртга ғамхўрлик билан яшаса, ўшанда ўзининг олий даражасига муносиб бўлади.

Навоий таълим бериб айтган эди:

**Одами эрсанг демагил одами**
**Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.**

Демак, элу юрт, халқ учун жон куйдирувчи, халқ манфаатларини кўзловчи, ўз халқининг бахти, саодатини таъминлашга ҳар доим



интилган кишигина инсон, одам, деб аталмоққа муносибдир. Инсонга, халққа муҳаббат барқарор жойда байналмилаллик, яъни инсонлар, халқлар ўртасидаги қардошлик ва биродарлик, бардамлик ва дўстлик вужудга келади. Бу эса жамият тараққиёти учун энг муҳим асослардан биридир.

Мамлакат ҳаётининг юксалиши илм-маърифат билан боғлиқ.

XIX асрда яшаб ижод этган атоқли ўзбек маърифатпарвар шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат илмни улуғлаб ёзган эди:

**Кўрар кўзларни нури илмдиндур**
**Кўнгулларни сурури илмдиндур.**

Фурқат пуристеъдод шоир бўлган. Айни замонда, унинг шеърият назарияси, тарихшунослик, этнография, бадиий таржима соҳасидаги ишлари маълум. Яна Фурқат тиб илми, доришунослик билан шуғулланган. Унинг кажкулида (ёзув дафтари) астрономияга оид маълумотлар жамланган.

Хуллас, Фурқат таниқли шоиргина эмас, балки қомусий билимлар эгаси, бир олим ҳам эди.

Шунга қарамай Фурқат афсус ва надомат билан ёзади:

**Дариғо, Фуркато беилм қолдим**
**Ўзимни жаҳл зиндонига солдим.**

Чунки, илмнинг чегараси йўқ. Уни киши бутун ҳаёти давомида тинимсиз ўрганмоғи, шу билан ўз билим доирасини муттасил кенгайтириб бормоғи керак.

Биз ёш авлодда илм-маърифатга ана шундай муҳаббат туғдириш йўлидан борамиз. Фақат билимдон, маърифатли авлодгина буюк келажакни қурмоққа қодир бўлади.

Ана шундай авлодни шакллантиришда ижодкорлар ва маориф соҳаси ходимларининг хизматлари муҳим ўрин тутади.

Навоий ёзган эди:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила**
**Хизматин қилмоқ адо бўлмас анинг юз ганж ила.**

Устоз, ўқитувчининг меҳнати игна билан қудуқ қазимоқ сингаридир. У ҳар кунги тинимсиз меҳнати билан янги жамият қурувчи авлодни етиштиради. Инсон ва жамият тараққиёти ва такомилига хизмат қилади.

Ўзбеклар диёрининг ҳар бир ерида жуда кўп илм-маърифат, адабиёт ва санъат арбоблари етишиб чиққанлар. Бу жиҳатдан Тошкент вилояти ҳам катта маънавий бойликка эга. Чунончи, XV аср тасаввуф таълимотининг йирик арбобларидан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорий шу заминда ўсиб етишган. Навоий ва Жомий бу зотга катта ҳурмат билан қарар эдилар. Банокат шаҳридан чиққан тарихшунос олим Банокатийнинг тарих китобига Навоий кўп мурожаат қилган.

XIX аср ўзбек адабиёти тарихида пискентлик шоир Акмал ижоди ўзига хос ўринга эга. Акмал 1834 — 35 йилда Пискентда туғилган. У 1883 — 84 йилларда Бухорода вафот этган.

Бухоролик шоир ва тарихшунос Сомий Акмал тўғрисида хотиралар ёзган. Акмал ўз шеърларини ўзбек, форс, араб тилларида ёзар эди. Қуйида Акмал шеърларидан бир парча келтирамиз:

**Жунун иқлимида меҳнат физолар бор экан мундоғ**
**Гули айшим хазон этган саболар бор экан мундоғ**
**Бошимга чарх жавридин жафолар бор экан мундоғ**
**Кўнгулга ҳажр дардидин балолар бор экан мундоғ**
**Фалакни гардишидан осиёлар бор экан мундоғ.**

Келажакни қурмоқ учун ўтмишни яхши билмоқ керак. Ўтмиш сабоқлари келажак тараққиёти йўлларини очмоққа хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини қурмоқ йўлида маънавий бойликларимиз бизга ҳамиша мададкордир.

Истиқлол ва маънавият бирлиги ана шунда. Маънавиятнинг юксалиши истиқлолимизнинг яна мустаҳкамланиши, унинг тобора ривож топмоғи демакдир. Шу олий мақсадлар йўлида дадил ва изчил бораверайлик!

## ВАЗИФА — БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

**Озод ШАРОФИДДИНОВ,**
**профессор, «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари**



МУСТАҚИЛЛИККА эришганимизга беш йил бўлди. Бу давр ичида биз янги жамиятимизга пойдевор қура бошладик. Иқтисодий ҳаёт соҳасида муайян ютуқларга эришилди. Ўлкамизда барқарорлик ҳукм сурмоқда. Лекин, шу нарса аниққи, моддий ютуқларнинг ўзи билангина ўйланган катта мақсадларга эришиш қийин. Биз қурадиган янги жамият маънавий жиҳатдан ҳам жуда етук ва мустаҳкам бўлмоғи керак. Қаердаки, одамларнинг онги ва маданияти паст савияда бўлса, бу ерда фақат ана шунга мос жамиятгина вужудга келиши мумкин. Худди шунинг учун ҳам Президентимиз И. Каримов маънавият масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб эканлигини жиддий таъкидлади. Давлат раҳбарининг айнан шу мавзуда ўтказган учрашуви гўё халқимизни уйғотиб юборгандай бўлди, назаримда.

Бугунги кунда юртимизда маънавият ҳақида ўйламаётган, баҳс юритмаётган, фикр қилмаётган бирорта одам, бирорта хонадон йўқ, десам муболаға бўлмас. Чунки, халқимиз ўз тарихий тажрибасидан яхши биладики, инсоният маънавиятсиз яшаши мумкин эмас. Маънавиятсизлик — бу эътиқодсизлик, иймонсизлик, манқуртликдир! Шўролар даврида ҳукмрон бўлган тузум ва мафкура, айниқса, «жонажон компартиямиз» халқимизни маънавиятдан маҳрум қилишга интилди, маданиятимизнинг энг серҳосил шоҳларини қирқди! Негаки, бу тузумга ўзлигини билган, тарихини, қадр-қимматини ва инсоний ғурурини англаган одамлар керак эмас эди. Аксинча, унга фақат буйруқни бажарувчи ижрочилар керак эди! Баландпарвоз шиорларда одамларнинг шаънига мақтовлар айтиларди, аслида эса улар ниҳоятда қадрсиз эди. Биз қураётган янги, мустақил жамият чинакам демократик жамият бўлади, қонунлар устивор бўлади, ҳамма нарса ИНСОНга хизмат қилади. Президентимиз маънавият ходимлари билан учрашуви чоғида «Биз, инсон — давлат учун, деган принципга мутлақо қаршимиз. Бизда, давлат — инсон учун бўлмоғи керак» деган гапни қайта-қайта такрорлади. Бу жуда улуғ ва олижаноб ният.

Маънавият масаласи — жуда кўп масалаларни ўз ичига қамраб олувчи муҳим ҳодисадир. У бир кунда ёки маълум бир даврда амалга ошириладиган мавсумий иш ҳам эмас. У билан ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада шуғулланмоқ лозим. Хўш, маънавият ўзи нима? Унинг мазмун ёки шаклини бирон кичик формулада қисқагина қилиб тушунтириб бўлмайди. Маънавият чексиз-чегарасиз, олий тушунча. Маънавиятли одамни юксак эътиқодли, иймонли, виждонли, диёнатли ва ҳалол, покиза одам деб тушунмоқ керак. Худбинлик, мунофиқлик, иккиюзламачилик, алдоқчилик каби иллатлар унга ётдир. Ўз нафсининг асири бўлган, ўз нафсига қул бўлган одам эса жуда аянчли одам. Маънавияти юксак одам биринчи навбатда ўз нафсининг устидан ғалаба қозонади, хирсларини ўзига бўйсундиради. У андишалик бўлади, жамиятда ёлғиз ўзи яшамаётганини билган ҳолда, теварак-атрофдаги одамларнинг ҳам манфаатини ўйлайди. Ўзгаларни оғир вазиятда қолдириб кетмайди. Шу ўринда Нуҳ пайғамбар билан боғлиқ бир ривоятни эсламоқ жоиздир:

Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли бўлган экан. Каттасининг исми Сом, ўртанчасиники Хом, кенжасиники эса — Ёсаф. Кунлардан бирида пайғамбар бир оз ором олиш истагида дарахт соясига чўзилади ва анча толиққани туфайли дам ўтмай кўзи илинади. Иттифоқо, енгилгина эсиб турган шабада пайғамбарнинг этагини кўтариб юборади. Худди шу манзаранинг устига келиб қолган ўғиллари эса ғалати аҳволга тушишади.

— Вой, отамиз этаги очилганини сезмай ухлаб қоптилар-а, — дейди Сом.

— Буни қаранглар, отамизнинг кўринмас жойлари шундоққина очилиб турибди, — дейди Хом кулиб. Шунда Ёсаф акаларига «уялмайсизларми?» дегандай қарайди-да, тез-тез келиб отасининг этагини ёпиб қўяди. Бу ҳолни кузатиб турган Оллоҳ ўша ондаёқ ўртанча ўғил — Хомнинг юзини қоп-қора қилиб қўйибди. Ёсафни эса марҳамат нури билан сийлабди. Айтишларича, ана шу воқеадан кейин Хомдан қора юзли авлодлар тарқалибди. Андишали, меҳр-оқибатли кишилар эса Ёсафнинг авлодлари экан.

Бир сўз билан айтганда, маънавиятли одам ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсондир. Бунга эришиш эса ғоят қийин иш. Чуқур маънавиятлиликка қуруқ насиҳатлар билан, ваъзлар ва шиорларни кўпайтириш билан эришиб бўлмайди. Инсоннинг бутун ҳаёт тарзи унинг маънавиятини юксалтиришга қаратилган бўлмоғи керак. Бу улуғ, айни пайтда кечиктириб бўлмас вазифани ҳаммамиз биргаликда, аҳиллик билан бажармоғимиз лозим.

## ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ЭЛМИЗ

**Нуриддин АЛИҚОРИЕВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор**

СОБИҚ тузум даврида шаклланган, одамлар онгига зўрлаб сингдирилган мафкура, истаймизми-йўқми, ўз таъсирин ўтказмай қолмади. Биз етмиш йилдан кўпроқ давр мобайнида жуда кўп миллий ва маънавий бойликларимиздан маҳрум бўлдик, турли шиорларда, даъватларда «Бой ўлка» деб таърифлансакда, аслида «эти бошқага, суяги ўзига» қолган қашшоқ халққа айланиб бордик. Нафақат ўзбек халқини, балки, бошқа ўнлаб халқларни-да бир тил, бир мафкура, бир байроқ остида «бирлаштириш» ғояси билан яшаган, ниҳоятда мустаҳкам ва бузилмас деб ҳисобланган собиқ иттифоқнинг «кароматлари»ни ва унинг салбий оқибатларини тугатиш осон бўлмаслигини бугун ҳаммамиз англаб турибмиз. Худди шу маънода маънавият ва маърифат масалаларининг энг муҳим, долзарб вазифа сифатида кўтарилгани, айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг бу ҳақда махсус фармон чиқарганини мутлақо тўғри ва ҳаётий зарурат деб тушунмоқ керак.



Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, тарихимизга, ўтмиш қадриятларимизга, анъаналаримизга муносабат ўзгарди. Мана шунинг ўзиёқ бутун онги ва турмуши собиқ тузум мафкураси билан чирмаб ташланган, аммо, ўз қадр-қимматини дилида сақлаб келаётган халқ учун жуда катта гап. Биз ўз миллатимиз тарихини, унинг қадриятларини ўрганиш, бу йўлда жон фидо қилган аждодларимизнинг хизматларини халққа етказиш, ўзимизни маънавий жиҳатдан қайта тарбиялаш йўлини тутдик. Худди мана шу йўл, бизни муқаррар ёруғ келажакка олиб чиқишига ишонамиз.

Хўш, биз киммиз ўзи? Тарихимиз қандай бўлган? Таърифимиз-чи? Бир сўз билан айтганда, биз — Амир Темурдек улуғ соҳибқирон авлодларимиз. Бутун дунё бизга ҳавас билан қараган, бобомиз айтганидек, «туркнинг бош бўғини» — улуғ миллатмиз. Тарихда шундай бир воқеа ўтган:

Искандар Зулқарнайн турк элига бостириб кирар экан, айни чегарага етганда тўхтаб, мулоҳаза қилиб қолибди. Чунки, у турк миллати ҳамжиҳат, забардаст, узун бўйлик, қиличбозликка уста, ниҳоятда мерган бўлади, деб эшитган экан. Лекин, бу гапларни ўз кўзи билан кўриш ва ишонч ҳосил қилиш истаги пайдо бўлибди унда. Шу ерда туриб бўлажак «рақиб»ларини кузатибди ва синаб кўрибди. Пировардида: «бу халқ нафақат олишувда жасоратли, балки, одоб-аҳлоқли, марди-майдон, улуғ халқ экан» деган хулосага келибди. Бу халққа нисбатан унда ҳавас уйғонибди ва турк халқи қизига уйланибди.

Тарихда ана шундай юксак эътиборга сазовор бўлган, улуғ ишларга қодир бўлган халқ бугунги кунда ҳам ўз орзу-ниятларини амалга ошириш учун ўзида куч ва ирода топа олишига шак-шубҳа йўқ. Биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ўз ёруғ келажагимизни таъминлаш учун ҳамжиҳатлик билан ишлашимиз, фарзандларимизни юксак маънавиятли, жасоратли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашимиз керак. Модомики, давлат раҳбарларидан тортиб, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро маънавият ҳақида қайғураётган экан, барча умидларимиз рўёбга чиқиши ва келгусида ўз самарасини кўрсатиши аниқдир.

Тошкент вилояти халқи ҳам бугунги кунда Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганаётгандан, унинг яқинда нишонланадиган 660 йиллик тўйига муносиб тайёргарлик кўраётганидан хабардормиз. Тошкентда ўрнатилган 12 та дарвоза ҳам бевосита Амир Темур билан боғлиқлигини эндиликда кўпчилик яхши билади. Шу ва шунга ўхшаш тарихий ёдгорликларни ўрганиш борасида ҳали яна кўп ишлар қилинади. Қисқа қилиб айтганда, жуда катта ва масъулиятли йўлга чиқдик. Манзилга тезроқ етиш фақат ўзимизга боғлиқдир.

## ЎТМИШ — КАТТА МУАЛЛИМ

**Омонулла БЎРИЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди**

ЎТМИШСИЗ келажак йўқ, дейдилар. Бугун маънавият, маърифатни, мафкурани янги поғонага кўтариш тўғрисида гап бораётган экан, бу ишнинг бой тарихимизга, қадриятимизга, мозий манбаларига мурожаат қилишдан бошланганлиги жуда хайрли бўлди. Президентимиз пойтахтимизда қад кўтараётган темурийлар тарихи давлат музейи тўғрисида фикр билдириб, шундай дедилар: «...музей бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз улуғ маданият, буюк маънавият яратиб, умуминсоний қадриятлар хазинасига нақадар улкан ва унутилмас ҳисса қўшганини англатишга хизмат қилиши лозим».

Дарҳақиқат, шундай. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бизнинг фахрланса, ғурурланса арзийдиган тарихимиз, маънавиятимиз бор. Бизнинг Шарқшунослик институтимизга кундан-кунга кўплаб хорижий олимлар, тадқиқотчиларнинг оқиб келаётганлиги буюк халқ, давлатимиз тарихига қизиқишнинг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Эндиликда биз ҳам ана шу тарихдан келажак авлодга сабоқ бермоғимиз лозим. Бугунги кунда институтимиздаги бой адабий, маданий меросни рўйхатдан ўтказдик. Уларнинг нусхаларини жаҳон кутубхоналарига жўнатмоқдамиз. Мақсад уни биринчи галда халқимизга ва бутун жаҳонга етказиб беришдан иборатдир. Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек ва бошқа алломаларимизнинг асарлари қайтадан чоп этилди, таржима қилинди.

Мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, тарихимизга, маданий меросимизга бўлган эътибор истиқлол туфайли ортди, қадр топди.

Мамлакатимиздаги ҳар бир тарихий бино, обидалар, адабиёт ва санъат асарлари бизнинг кимлигимизни англашга, қандай аждодлар вориси эканлигимизни идрок қилишга ўргатади. Ана шунинг учун ҳам биз олимлар бу борадаги ишларни кучайтирмоғимиз, одамлар ичида кўпроқ бўлмоғимиз, ўз маърузаларимиз, мақолаларимиз билан улар қалбига сингдирмоғимиз керак.

Бу борада республика Президентининг «Маънавият ва маърифат» марказининг ишини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармони янги истиқболларни очиб берди. Маданиятга, маърифатга бунчалик эътибор ва ғамхўрлик ўша қадим тарихимиздан буён бўлмаган эди.

Биргина темурийлар тарихини олинг. Буюк бобомизнинг ўгитлари, қилган ишлари, қурган бинолари, яратган салтанати кимни ҳайратга солмайди дейсиз. Ёки мана шу пойтахтда бунёд этилган 12 дарвозанинг тарихи-чи? Уларнинг ҳар бири бизнинг маданиятимиз, тарихимиз, қадриятимиздан ҳикоя қилади.

Мен ўйлайманки, мамлакатимизда маънавият ва маърифат борасида олиб борилаётган ишлар қисқа фурсатда ўзининг мевасини беради. Зеро, ёш авлодни ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпеша, жасур, маънавий бой қилиб тарбиялаш билан давлатнинг ўзи шуғуллана бошлади. Биз эса бу йўлда етакчи бўлмоғимиз керак.

*Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» ходимлари — Фатҳиддин Муҳиддинов, Раҳимберди Умаров, Зарифа Эралиева ва Баҳодир Валиев тайёрладилар.*

**Суратчи: В. Харитонов.**

